



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 17 ноябрь, № 246 (8026)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни  
телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ДУНЁ НИГОҲИ

### «ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЙ ТИЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДАГИ ИШТИРОКИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИ АМАЛИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВНИ ЯНА БИР БОР ИФОДА ЭТДИ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11-12 ноябрь кунлари Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг саккизинчи саммитида иштирок этди. Халқаро тадбирда савдо, сармоя, “яшил иқтисодиёт”, рақамли технологиялар, транспорт ҳамда коммуникация, таълим ва маданият соҳаларида кўп қиррали алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари анжуманда нутқ сўзлаб, Туркий кенгашга аъзо мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг улкан салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ва ташкилотни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларни илгари сурди. Мазкур амалий тақлифлар хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари томонидан кенг ўрганилмоқда.

#### Метин Гюндогов, Туркия Буюк Миллат мажлиси депутати:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2022 йилни “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиш тақлифи жуда долзарбдир. Чунки айнан ёшлар ва уларга бўлган бугунги эътибор мамлакатларимиз келажагини белгилаб беради.

Бугунги глобаллашув жараёни ва турли медиа технологиялар тезлик билан ривожланиб бораётган даврда мамлакатларимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этаётган ёшларни миллий кадрларимизга ёт бўлган таъсирлардан ҳимоя қилишни таъминлашимиз, бундан ташқари, ўсиб келаётган авлодни

ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, уларнинг гоё ва лойиҳаларини рағбатлантиришимиз лозим. Бу борада ҳар бир мамлакатнинг алоҳида ҳаракати етарли эмас, деб ҳисоблайман.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг тақлифини амалга оширишда Ёшлар парламенти ҳам ўз ҳиссасини қўша олади ва бунинг учун улар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириши, таҳриба алмашиши керак, деб ўйлайман. Мазкур йўналишда барча туркий тили мамлакатлари парламентлари алоқаларининг мустаҳкамланиши келажакда ўз ихобий маҳсулини бериши, шубҳасиз.

#### Далия Чакар, Нидерландия — Ўзбекистон дўстлик жамғармаси раиси:

— Ўзбекистон Президентининг Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгаши саммитидаги иштироки халқаро муносабатларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга бўлган ёндашувни яна бир бор ифода этди. Бунинг ўзбекистон раҳбарининг саммит давомида сўзлаган, турли йўналишларда ўзаро алоқалар, савдо-сотиқ ва ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ташаббусларга бой бўлган нутқи, Истанбулда ўтказган икки томонлама учрашувларининг мазмун-моҳияти тасдиқлаб турибди.

Саммит туркий тили давлатлар тарихида улкан воқеа бўлди. Чунки Туркий кенгаш “Туркий давлатлар ташкилоти” деб қайта номланди. Менимча, бу тузилма ўзининг етуқли даврга кириб бормоқда ва маслаҳат органидан халқа-

ро майдондаги жиддий ташкилотга айланмоқда. Табиийки, Ўзбекистоннинг ташкилотга қўшилгани унинг фаолиятида алоҳида ўринга эга. Ишончим комилки, агар иштирокини давлатлар ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда давом этса яқин келажакда халқаро майдонда яна бир салмоқли ташкилот пайдо бўлганини кўраймиз.

Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг улкан салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш ва ташкилотни мустаҳкамлашга қаратилган амалий ташаббуслари ташкилотга пандемия, озиқ-овқат хавфсизлиги, экология ва иқлим ўзгариши оқибатида юзага келадиган ҳаф ва таҳдидларни барта- раф этишга қўшимча туртки бериши, шубҳасиз.

«Дунё» АА.

## АЁЛИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН


“Тасвир” нашриётида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган “Аёлини эъзозлаган янги Ўзбекистон” китоби чоп этилди.

Ўзига хос дизайн ва кўркам муқовага эга ушбу тўпلامнинг муаллифлари мамлакатимизнинг таниқли олимлари, академик ва профессорлар.

Хўш, ушбу китобнинг маънавий-маърифий ҳаётиимиздаги аҳамияти қандай?

“Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги сўнгги беш йилда мисли кўрилмаган даражада юксалди, — деб ёзади китобнинг сўзбошиси муаллифи Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Оқил Салимов. — Бу юксалиш тенденцияси Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган мамлакатимизни озод, эркин, обод ва фаровон қилиш борасидаги кенг қўламли демократик ислохотларнинг амалдаги натижасидир”.

Мазкур китоб юртимизда сўнгги беш йил мобайнида хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги ўрни ҳамда ролини юксалтириш, гендер тенглиги-



га эришиш, уларни бахтли ва саодатли қилиш борасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотларни аниқ рақамлар ва фактлар орқали ифода этиши билан аҳамиятлидир.



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ НУРЛИ УФҚЛАРИ

Мамлакатда бу йил бўлиб ўтган Президент сайлови кампанияси энди тарихий воқеа сифатида ортда қолди. Сайловлар нафақат давлат ҳокимияти органларини шакллантириш воситаси, балки муайян бир сиёсий жараён сифатида ҳам жамият ва давлатчилик ривожига кучли таъсир этади. Чунки сайловларда ўз хоҳиш-истаклари ижобатини янгиланган давлат истиқболида кўрган халқ иродаси туфайли сиёсий ҳокимиятнинг мазмун-моҳияти ўзгаради.

### НУҚТАИ НАЗАР



Сайловдан сайловгача — беш йиллик муддат тарихий жиҳатдан унча катта давр бўлмаса-да, жамият ва давлатчилик тараққиёти учун муҳим бир вақт оралиғи ҳисобланади. Бошқача айтганда, сайловлар муайян бир сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий эврилишлар даврининг интиҳоси ҳамдир. Шу маънода, шу йилнинг 24 октябрида бўлиб ўтган Президентлик сайловида сайловчиларнинг бешдан тўрт қисмидан зиёдроғи овозини олишга эришган Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўтган беш йил ичида амалга оширган ислохотлари натижалари, уларнинг электротат иродасида ўз ифодасини топган аҳамиятини чуқурроқ англаш учун янги Ўзбекистоннинг шаклланиш ва ривожланиш суръатларида оид таҳлилий хулосалар чиқаришга эҳтиёж сезилади. Ваҳоланки, мамлакатдаги сайловчиларнинг асосий қисми Президент Шавкат Мирзиёев

номзодига овоз беришига давлатимиз раҳбарининг шахсий инсоний фазилатлари, сиёсий арбоб сифатида амалга оширган кенг қўламли ислохотлари, Ўзбекистоннинг жаҳондаги таниқли ва обрўли давлатга айлантира олганлиги сабаб бўлгани, шубҳасиз.

Шу йилнинг 6 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросим сайловнинг ўзига хос рамзий якуни сифатида нишонланди. Албатта, бу маросим халқимизнинг иродаси, шунингдек, сайловчиларнинг азму қарори сифатидаги муҳим сиёсий эътироф тантанаси эди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев келгуси беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлар ҳақида нутқ сўзлаб, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини илгари сурди.



### 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

## ОЗОДЛИГИМИЗ ВА ГУРУР-ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

Юртимизда байроқ қадим-қадимдан озодлик, гурур-ифтихор, ор-номус тимсоли бўлиб келган. Боболаримиз ҳаммаша Ватан байроғини сарбаланд этиш йўлида курашган...

Шу ўринда айтиш жоиз, давлат байроғидаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга. Айни чоғда давлат байроғи ранги инсон руҳиятига кучли таъсир этади. Шу боис ҳар бир давлат байроғида ўзига хос ранг ифодаланиб, улар ўша туг остида бирилашган халқнинг максад-муддаоларини, орзу-армонларини, феъл-атвори ва қадриятларини ифодалайди.

Масалан, “инқилоб” деган чиройли ном билан ўз оломонлик сиёсати орқали ҳуқуқни эгаллаган собик совет мафкурачилари ўзларига алвон рангини маъқул кўришган. Улар “Биз ҳукуматни қон билан олганмиз”, деган гоё остида фақат қизил рангини рамз сифатида белгилашган эди.

Туркия давлати ўз мустақил-

лигини қўлга киритган тонгда озодлик учун бўлган жангда қатнашган сафдошларининг қони дарё бўлиб оққан ва оқим юзасида гўё ярим Ой ҳамда Зухро юлдузининг аксини кўришган, ушбу тасвирни ўз байроқларида акс эттиришган.

Бразилия давлати байроғидаги юлдўзлар маъноси янада қизиқарли. “Январь дарёси” деган маънони билдирувчи Рио-де-Жанейро шаҳрининг осмонидан 1825 йил 29 август кунин юлдўзлар шу шаклда жамланган. Ўша кунни Бразилия давлатининг мустақиллиги эълон қилинганлиги билдиради.

Дунёдаги қайсики давлат байроғида қора ранг бўлса — бу ўша давлатда нефть борлигидан дарак беради. Улар она табият инъоми билан мағ-



рурланишни ўзларига эп кўришган. Фақатгина бир давлат байроғидаги қора ранг мазкур давлатда нефть борлигини билдирмайди, бу — Германия байроғи. Нега? Германияга биринчи марта саёхат қилувчиларни “Германия тарихи” давлат музейига олиб киришади. Немис халқининг беш минг йиллик тарихини илк даврдан бошлаб кетма-кетликда томоша қилаётган пайтингизда 1939 — 1945 йиллар даврига қоп-қора парда тортиб

қўйилганига гувоҳ бўласиз. Ҳеч нарсаси йўқ, 1946 йилдан эса олмонликларнинг шонли тарихи акс этган бой экспонатлар кўрғазмаси давом этади. Қизкиш устун келиб музей ходимларидан “Нега бу жойга қора парда тортиб қўйилган?” деб сўрайсиз. Шунда мутахассислар “Бу йилларни тарихимизнинг энг қир ва қора даври деб биламиз. Миллатчилик қилганимиз учун дунё халқлари олдида юзимиз шувут.



## БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МУҲОКАМА МАРКАЗИДА БЎЛДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг ЮНИСЕФнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси директори Афшон Хон билан учрашуви бўлиб ўтди.

### Мулоқот

Учрашувда Афшон Хон Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таълим йўналишини ривожлантириш ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга юксак баҳо берди.

Ўз навбатида, мулоқотда тарбия, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, болалар меҳнатига барҳам бериш, уларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий тарбиясини такомиллаштириш, шунингдек, оналар ва болалар

саломатлигини муҳофаза этиш ва яхшилаш бўйича икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, мамлакат ҳукуматининг болаларни қўллаб-қувватлаш ва уларга билим олиш, касб-ҳунарли ва уй-жойли бўлиш учун имконият яратиш ҳамда уларни ишга жойлаштириш борасидаги саёй-ҳаракати алоҳида эътироф этилди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг муайян йўналишлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Олий Мажлис Сенати  
Ахборот хизмати.

### Сенатнинг ялпи мажлиси олдида

## ҲАР БИР МАСАЛА ДОЛЗАРБЛИГИ БОИС ҚИЗҒИН КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Аввал хабар берилганидек, шу йил 18 ноябрь кунин Олий Мажлис Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди. Унинг кун тартибидан қатор қонунлар ва мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор муҳим масалалар ўрин олган. Шу муносабат билан айни пайтда улар парламент юқори палатаси кўмиталарида дастлабки тарзда кўриломоқда. Ҳар бир масала долзарблиғи боис сенаторлар томонидан қизгин муҳокама қилиняпти.



### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси очирилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси 2021 йил 18 ноябрь кунин соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа шаклида 18-19 ноябрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган.





# ҲАР БИР МАСАЛА ДОЛЗАРБЛИГИ БОИС ҚИЗҒИН КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

## Хукуматнинг қўшимча ахборотидан нималар ўрин олган?

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлисида аҳолини ичимлик суви билан таъминлашдаги муаммолар бўйича юборилган парламент сўрови натижалари юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилган қўшимча ахборот муҳокама қилинди. Унда айтилишича, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан жорий йил бошидан бугунги кунгача сув таъминоти корхоналари томонидан хорижий кредитлар бўйича 139,3 миллиард сўмлик мажбурият бажарилган. Жами 1 минг 729 та объектда қурилиш ишлари олиб борилиб, 20 363,6 км. ичимлик ва оқова сув тармоқлари қурилган ҳамда реконструкция қилинган.

Шу билан бирга, ичимлик суви таъминоти объектларини қуриш ва реконструкция қилишни назоратга олиш мақсадида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан “Smart qurilish” электрон платформаси орқали онлайн тартибда назорат ишлари олиб борилмоқда ҳамда соҳада коррупцияга чек қўйиш ва тендер савдолари жараёнида шаффофликни таъминлаш учун комплаенс тизими амалиётда қўлланмоқда.

Жорий йилнинг январь — май ойларида 97,6 минг абонент ва 342 та юридик корхона билан икки томонлама шартномалар тузилган бўлиб, улар “Watercontrol” биллинг дастурига қиритилган. Қолаверса, шу даврда ҳудудий сув таъминоти корхоналари томонидан ичимлик сув тармоқларига 367 та ноқонуний уланиш ҳолати аниқланиб, 1,4 миллиард сўмлик зарар ундирилган. Айни чоғда маълумотлар шаффофлигини таъминлаш мақсадида истеъмолчилар шахсий кабинети (cabinet.uz.st.uz) саҳифаси яратилган.

Тадбирда, шунингдек, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

## Ҳайдовчилари учун қатор енгилликлар яратилади

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорй Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари, қўмита ҳузуридаги экспертлар гуруҳи аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда “Транспорт ва молия соҳаларидаги айрим ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жазолар либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун алоҳида кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, давлат раҳбари ташаббуси билан кейинги 5 йилда мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар кўрилкоқда. Аммо Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган йўл ҳаракати борасидаги ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган маъмурий жавобгарлик миқдори ҳозирги замон талаби ва ҳаффилик даражасига тўлиқ жавоб бермай қолган эди.

Ана шу камчиликни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган қонун билан маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг ҳавфлилик даражасидан келиб чиқиб, мақбуллаштириш учун 5 та модда санкцияси миқдори камайтирилляпти. Хусусан, транспорт воситалари эгалари томонидан сурғатлар полисини олмаганилиқ, мuddати ўтган сурғурта полиси ёки сурғурта полисида назарда тутилган шахс автотранспорт воситасини бошқарганлиги, йўловчиларни лицензиясиз ташии билан шуғулланганлиги, паспорт тизими қоидаларини бузганлиги, фуқаролар томонидан валюта қийматликларини ноқонуний олиш ёки ўтказиш учун жарима миқдори камайтирилмоқда.

Сенаторлар томонидан қайд этилгани-

дек, киритилаётган ўзгартишлар билан транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларга “bluetooth”, қулоқчин ва бошқа қўлни банд қилмайдиган гарнитуралардан фойдаланишга рўхсат берилмоқда. Транспорт воситаси салони олд қисмига монитор (дисплей) ўрнатиш учун жавобгарлик бекор қилинмоқда, транспорт воситалари ҳайдовчилари белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юборганда тезликни ўлчайдиган махсус ускуналар қайд этган тезликдан соатига 5 километр айириб ташлаб ҳисоблаш жорий қилинаётир.

Бундан ташқари, ички ишлар органлари ёки консуллик муассасаси томонидан берилган биометрик паспорт (ID-картаси) мавжуд бўлган тақдирда ҳайдовчига транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжат, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги ҳамда транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари, транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сурғурта қилиш бўйича сурғурта полиси талаб этилмайди.

## Гидрометеорологик маълумотлар билан ривожлантирилади

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси мажлиси бир қатор қонунлар муҳокамасига бағишланди.

Жумладан, “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонун, “Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”ги, “Интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Усимликлар карантини ва ҳимояси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар таҳлили асосда кўриб чиқилди.

Сенаторлар “Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”ги қонунга алоҳида тўхта-

либ, уни қабул қилиш соҳа фаолияти ҳамда гидрометеорологик қузатувлар ўтказиш ва маълумотларга ишлов беришнинг илмий услубларини янада такомиллаштириш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлари, аҳолини гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш тизимини ривожлантиришда айни муддао эканлигини таъкидладилар. Айни чоғда у гидрометеорология соҳасидаги ҳамкорликни мустақамлаш, инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этишга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Тадбирда, шунингдек, “Усимликлар карантини ва ҳимояси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга усимликлар карантини объектларига ва бошқа зарарли организмларга қарши курашишга доир фитосанитария талаблари ҳамда карантин остидаги махсулотларни олиб кириш ва олиб чиқиш қоидаларини бузиш каби ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлигини белгилаш бўйича киритилаётган нормалар усимликлар карантини ва ҳимояси тизими такомиллаштирилишига хизмат қилади.

## Фавқулодда ҳолат билан боғлиқ янгиликлар нималардан иборат?

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунни кенг таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, 2020 йилда юртимизда ҳам коронавирус инфекцияси кенг тарқалгани, бундан ташқари, ақинда нафакат бизда, балки қўшни мамлакатларда ҳам чанг-қумли бўрон ҳодисаси қузатилгани фавқулодда чора-тадбирлар қўришни тақозо этди. Шу боис ҳам тегишли вазирлик ва идоралар ҳодимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик

палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга маъқуллаш учун киритилган.

Қонунда фавқулодда ҳолатни жорий этиш мақсадлари аниқ белгиланган бўлиб, асосийси — фуқаролар хавфсизлиги, конституциявий тузум ва ҳудудий яхлитлик ҳимоясини таъминлашдан иборатдир. Шу билан бирга, фавқулодда ҳолатни жорий қилишда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалар акс эттирилган. Хусусан, фавқулодда ҳолатни жорий қилиш шартлари ва тартиби, қўлланиладиган чора ва чеклашлар, фавқулодда ҳолатнинг амалдаги даври учун жорий этиладиган махсус давлат бошқаруви органлари, шу шароитда жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, мансабдор шахс ҳуқуқлари кафолатлари ҳамда шу даврда судлар фаолиятини тартибга солувчи ва бошқа махсус қоидалар мустақамлаб қўйилмоқда.

Қонунда фавқулодда чоралар ва уларнинг таъсири доираси, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда юридик шахслар ҳуқуқ ва эркинликларига ўрнатилаётган вақтинчалик чекловлар ҳамда уларга юклатилаётган қўшимча мажбуриятлар, қўлга кириш вақти ва амал қилиш мuddати каби бир қанча чоралар кўзда тутиляётир.

Қонун билан республика бўйича жорий этиладиган фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш мuddати ўттиз суткадан, унинг айрим ҳојларида эса олтмиш суткадан ошиши мумкин эмаслиги, агар фавқулодда ҳолатни жорий этиш мақсадларига эришилмаган бўлса, фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан яна бир мuddатга узайтирилиши мумкинлиги, лекин ушбу Фармон ҳам парламент палаталари қўшма мажлисида тасдиқланиши белгиланмоқда.

Қолаверса, фавқулодда ҳолат режими таъминлаш учун Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимида кирувчи бошқа давлат органлари, ташкилотлари куч ва воситаларидан фойдаланилиши, алоҳида ҳолларда эса юқорида

қайд этилганларга қўшимча равишда, фавқулодда ҳолат режимиини сақлаб туриш учун Президент Фармонига асосан Мудофаа вазирлигининг куч ва воситалари бир қатор вазифаларни бажариш учун жалб этилиши мумкинлиги назарда тутиляпти.

## Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятлар

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг мамакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг бажарилиши ҳолати ҳақидаги ахбороти кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ўтган икки йил мобайнида Ўзбекистон инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида салмоқли ютуқларга эришди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги ва ҳуқуқий амалиётни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига қўмаклашиш асослари тўғрисидаги конвенцияси ҳамда Бирлашган Ҳуқуқлар Ташкилотининг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ратификация қилинди.

Президентнинг “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ўз навбатида, Олий Мажлис Сенати томонидан Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Сенаторлар инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни қўлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончи ҳимоя қилишни таъминлаш борасида ҳал этилмаган масалалар мавжудлигига эътибор қаратдилар.

Қўмиталар ййғилишларида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Рекламага қўйилган талабларга кўра, рекламада жинсий, ирқий, миллий, диний камситиш, фуқароларнинг соғлиги ва ҳаётига зарар етказувчи ҳаракатларни содир этишга қақариш, бевосита муаллифлик ҳуқуқига таъсир қилувчи ахборотлардан, порнография тусидаги ахборотлардан, шунингдек, давлат рамзларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, профессионал таълим соҳасида фойдаланиладиган дарсликлар, қундаликлар ва бошқаларга реклама жойлаштириш, қолаверса, ахлоқ ва маънавиятнинг умумэътироф этилган меъёрларига зид бўлган шакллар, иборалар ва образлардан фойдаланиш тақиқланиши кўзда тутилмоқда.

Мажлис давомида қонун лойиҳасининг баҳсли бўлган айрим моддаларига тақлифлар берилиб, уни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

## Бизнес-омбудсманга қандай ваколатлар бериляпти?

Ййғилишда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда хусусий мулк ҳимояси соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига қарамай, ўзбошимчалик билан хусусий мулк ҳуқуқини йймойл этиш, айрим мансабдор шахсларнинг адолатсиз ва асоссиз вахллар билан кўчмас мол-мулкка аралашув ҳолатлари қузатилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида бир қатор хорижий мамлакатлар, хусусан, Филиппин давлатининг лойиҳа мазмунига доир бўлган қонунчилик нормалари ўрганиб чиқилди.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан хусусий мулк дахлсизлиги, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлашнинг, давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқбузарлик профилактикасини кучайтиришнинг институционал механизмлари янада такомиллашади.

Мажлисида қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

## Жиноят қонунчилигида инсонпарварлик тамойили

Депутатлар “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан жиноят қонунчилигида вояга етмаганларга нисбатан инсонпарварлиқни кучайтириш мақсадида уларни жиноий жавобгарликка

тортиш ёшини ўн уч ёшдан ўн тўрт ёшга кўтариш, вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноятлар, хусусан, Жиноят кодексининг 128 ва 129-моддалари санкцияларини кучайтириш назарда тутиляпти.

Шунингдек, вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳни сўроқ қилишнинг умумий давомилиги кун давомида тўрт соатдан ошмаслиги, вояга етмаган жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи ёки айбланувчини сўроқ қилишда вояга етмаган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг лойиҳасига кўра психолог иштирок этишини таъминлашга қаратилган моддалар лойиҳада ўз аксини топаётир.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

## Лойиҳа моддама-модда кўриб чиқилди

Мажлисида “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан 6 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш ва қонун ҳужжатларини мувофиқлаштириш имконини беради.

Мажлисида қонун лойиҳаси моддама-модда кўриб чиқилиб, узок давом этган тортишув ва баҳс-мунозаралардан сўнг учинчи ўқишда қабул қилинди.

## Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фаол иштирок этганлар рағбатлантирилади

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг биринчи ўқишдаги муҳокамасида таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси билан тўғридан-тўғри амал қилувчи айрим қонун ҳамда қонуности ҳужжатларини тизимлаштириш ва унификация қилиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси 8 та боб, 84 моддадан иборат. Унда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий тушунчалари, турлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар ваколатлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда иштирок этувчи орган ва муассасалар ҳамкорлиги кўзда тутиляётир.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профи-



лактикаси бажарилишини мувофиқлаштириш, соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш борасида идоралараро комиссиялар фаолиятини ташкил этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фаол қатнашганларни рағбатлантириш тартиби белгиланяпти.

Халқ вакилларининг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларини унификациялаш ва тизимлаштиришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятнинг моҳияти, мазмуни ва принципларини ўзгартириб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўрта-сидаги ўзаро ҳамкорликнинг кучайишига хизмат қилади.

Қизгин муҳокамалардан сўнғ қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Кимлар учун солиқ имтиёзлари кўзда тутилмоқда?

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва даромадларини оширишга қаратилган “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 378-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан олий ҳамда профессионал таълим муассасаларида ўқиш учун тижорат банкларидадан олинган таълим кредитларини қоплашга йўналтирилган жисмоний шахсларнинг солиқ надигани иш ҳақи ва бошқа даромадларига солиқ имтиёзлари қўлланилади.

Шунингдек, ёш оила томонидан олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича қўйибланган фоизларни эр-хотин ёки улардан бири белгиланган ёшдан ошгунига қадар ҳар бир солиқ даври давомида тегишли миқдорда қоплашга йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилиниши белгиланмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашча, таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши амалиётда бир-бирини зидловчи қонун ҳужжатлари юзага келишининг олдини олишга, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва даромадларини оширишга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

# АЁЛИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Тўпламда хотин-қизларнинг дарди билан яшаш, уларнинг оирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг моҳиятига эътибор қаратилган. Бинобарин, Президентимиз томонидан хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида яратилган янги тизимнинг асосий мақсади ҳам шу.

Кейинги беш йилда, айниқса, ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз, ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, уларга давлат томонидан манзилли қўмаклашиш, касб-хунарли қилиш, бандлигини таъминлаш, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш халқимиз ҳаётида устувор аҳамиятга эга қадриятга айланди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 9 минг 251 та маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг

дардини эшитадиган, муаммоларини ҳал этишга қўмаклашадиган тузилма “Аёллар маслаҳат кенгашлари” фаолияти йўлга қўйилди.

“Аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” айнан аёллар ва ёшлар ижтимоий макомини кўтариш, уларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш, жамият ҳаётига интеграцияси ва ижтимоийлашув жараёнини таъминлаш, фоллигини оширишга қаратилган давлат сиёсатининг замонавий инновацион усули бўлиб, мазкур янги тизим, аввало, оддий фуқаро манфаатлари, эҳтиёжлари ва истакларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган.

Матни Ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилган тўпламда шу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг миллионлаб юртдошларимиз ҳаётига зиё олиб қираётгани, минглаб оилаларни қувонгча тўлдирётгани фактлар асосида кўрсатилган.

Мукаррам НУРМАТОВА, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлими, фалсафа фанлари доктори, профессор.

## Сайёр ййғилиш

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ВЕБ-САЙТИДА ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР ЖОЙЛАШТИРИЛМАГАНИ ТАНҚИД ОСТИГА ОЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Ахборот сиёсати ва давлат органларида очикликни таъминлаш масалалари қўмитаси томонидан халқ депутатлари Қашқадарё вилоти Кенгаши билан ҳамкорликда сайёр ййғилиш ўтказилди.

Тадбирда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонун ҳамда Президентнинг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг вилоятдаги ижроси кенг муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, вилоятдаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва ҳудудий бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги бўйича ўрганиш натижалари юзасидан маълумот берилди.

Қайд этилганидек, расмий веб-сайтларда бир нечта саҳифалар доимий равишда янгиланиб борилмагани натижасида оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналистлар ва аҳоли учун ахборот

олишда қатор муаммолар юзага келмоқда. Масалан, вилоят ҳокимлиги веб-сайтида аҳоли фойдаланиши мумкин бўлган айрим очик маълумотлар жойлаштирилмаган, ижтимоий тармоқларда қўтарилган муаммоли масалалар бўйича таҳлилий маълумотлар ўз аксини топмаган. Қамаш, Қарши, Ғузор, Чирокчи туманлари ҳамда Қарши шаҳар ҳокимлиги расмий веб-сайтларида эса маълумотлар янгила-ниб турилмайди.

Шунингдек, фуқаролар энг кўп му-рожаат қиладиган вазирлик ва идораларнинг вилоят бошқармаларида ахборот хизматлари ташкил этилмаган.

Ййғилишда мутасадди раҳбарларнинг шу масала юзасидан ахборотлари эшитилиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».



# ЖАМИ МАҲСУЛОТНИНГ ЯРМИ БИР КОРХОНАДА

## Бугун «Навоийазот» АЖ ана шундай салоҳиятга эга.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кимё саноати маҳсулотларининг қарийб ярми “Навоийазот” акциядорлик жамияти тармоқларидан истеъмолчиларга жўнатилади. Шунингдек, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда наинки Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам унга тенг келадиган турдош корхона йўқ. Навоий вилояти саноат маҳсулотлари ҳақмида эса унинг улуши 30 фоизга тенг. Бу ерда 9 мингга яқин юқори малакали муҳандис, кимё технологи ва ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади. Корхона фаолияти кимё, реакция, заҳарли газлар билан боғлиқ экан, ижтимоий-иқтисодий нафи билан бирга атроф-муҳитга зарари ҳам бор гап. Албатта, бунинг ҳам ўз тошу тарозиси мавжуд.

Бунга яқинда “Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун корхона фаолияти билан танишиш мақсадида ташкил этилган пресс-тур давомида амин бўлдик.

### Жараён

#### Халқ фаровонлиги йўлидаги лойиҳалар ижроси

Дастлаб иштирокчилар “Навоийазот” АЖ бош директори Одил Темиров томонидан 2017 — 2021 йилларда мамлакатимизда кимё саноатини ривожлантириш дастури асосида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий самаралари ҳақида маълумот берилди.

Таъкидлангани, 1964 йилда бунёд этилган мазкур корхона замонасига мос дастгоҳлар билан жиҳозланган эди. Бу-

гунги куннинг янги тараққиёт тамойиллари эса саноатни жадал ривожлантиришда энергия ресурсларини тежаш ва ташқи бозорда ҳам рақобатдош ҳамда экологик жиҳатдан имкон қадар безарар маҳсулотлар ишлаб чиқаришдек устувор вазифаларни тақозо этаётганди. Шу боис давлатимиз раҳбари Навоий вилоятига дастлабки ташрифи чоғидаёқ “Навоийазот” АЖда модернизация ишларини жадаллаштириш, техник ва технологик янгилашни олис истикболни инobatта олган ҳолда амалга ошириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Шу асосда 2017 йил 24 июлда “Навоийазот” акциядорлик жамиятида

инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилиниб, кенг қўламдаги имтиёзлар асосида учта самарадор лойиҳани муваффақиятли бажариш чоралари белгиланди.

— Корхонамизда йилига 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол ишлаб чиқариш қувватларига эга янги мажмуа ўз фаолиятини бошлади, — дейди жамият бош директори О. Темиров. — Азот кислотаси ишлаб чиқариш бўйича эски 1 ва 2-навбатлари эксплуатациядан олиниб, техник иқтисодий асосларга мувофиқ умумий қиймати 216,6 миллион АҚШ доллари тенг янги объект Швейцариянинг “CASALE SA” компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилди. Бу ерда йилига 500 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқарилиб, эски технологияга нисбатан энергия сарфи 18 марта қисқарди. 122 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, корхонада пандемия хуружига қарамасдан бир вақтнинг ўзига умумий қиймати 1,5 миллиард АҚШ доллари бўлган 3 та замонавий кимё комплекси ишга туширилди. Хусусан, умумий қиймати 985,7 миллион АҚШ долларида зиёб бўлган аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ушбу мажмуаларнинг ишга туширилиши натижасида акциядорлик жамиятининг энергия сарфи юқори бўлган 1 ва 2-аммиак ишлаб чиқариш цехлари фойдаланишдан чиқарилди.

Япониянинг “Mitsubishi Heavy Industries, Ltd”, “Mitsubishi Corporation” компаниялари консорциумида барпо этилган ушбу мажмуада 491 та янги иш ўрни яратилди. Унинг фойдаланишга топширилиши натижасида республика ички бозорининг азотли ўғитга бўлган талаби тўлиқ қаноатлантирилиб, ишлаб чиқарилган карбамид маҳсулотини Марказий Осиё давлатлари ҳамда Афғонистон, Туркия, Озарбайжон, Украина ва Грузияга экспортга йўналтириш имкониятлари янада кенгайди.

— Ушбу лойиҳалар “Навоийазот”да маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақмини уч баробар ошириш билан бирга, замонавий мажмуалар 60 йил аввал қурилган эски қувватлар ўрнини тўлиқ эгалламакда, — дея давом этади корхона раҳбари. — Шунингдек, хабарингиз бор, Президентимиз йиллик қув-

вати 120 минг тонна поливинилхлорид ишлаб чиқариш лойиҳасининг II босқичга старт берган эди. Қиймати 400 миллион АҚШ долларига тенг ушбу лойиҳанинг тўлиқ ишга туширилиши корхонамизда поливинилхлорид ишлаб чиқариш қувватини йилига 100 минг тоннадан 220 минг тоннага, каустик содани эса 75 минг тоннадан 165 минг тоннага етказиш, электротехника, мебелсозлик, қурилиш материаллари саноати, маиший кимё ва бошқа соҳаларда талаб юқори бўлган 210 миллион долларлик маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради. Шу билан бирга, мазкур лойиҳа орқали “Навоийазот” ва “Электр кимё заводи” негизида Марказий Осиёда биринчи марта йирик, ўзаро интеграция қилинган кимёвий технологик кластер ташкил этилмокда. Мазкур кластерда яқин йилларда умумий қиймати 3,4 миллиард доллар бўлган 23 та лойиҳа амалга оширилиб, 33 турдаги юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва шу асосда “Навоийазот”да қўшимча 3 мингдан зиёд янги иш ўринлари очилгача эришилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз кимё саноати илгари, асосан, қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, унинг улуши тармокда қарийб 80 фоизни ташкил этар эди. Бугунги кунда замонавий полимерларни ишлаб чиқариш ҳисобидан минерал ўғитлар улуши 10 фоизга қисқарди, бошқа соҳалар учун тайёрланаётган маҳсулотлар ҳақми эса 6 мартага ошди. Кейинги беш йилда “Ўзкимёсаноат” тизимида товар маҳсулотлари ҳақми 4 марта кўпайди, кимёвий маҳсулотлар экспорти 250 миллион долларга етмокда.

“Навоийазот”даги технологик янгиланишлар, мамлакатда кимё саноати раванқига улкан туртки бериб, кластерлар фаолиятининг барқарорлик рельсига тушиб олиши 2026 йилга бориб кимёвий маҳсулотлар ҳақми жорий йилдагига нисбатан уч баробар ортиси ва 2030 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотиди уларнинг улуши 7 фоизга етишини таъминлайди.

#### Осмонга ўрлаётган «Тулки думи» энди йўқ

Иштирокчилар куннинг иккинчи ярмида инвестициявий лойиҳалар асосида бунёд этилган мажмуалар, технологияларнинг экологик самарадорлиги билан танишди. — Энг муҳими, лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тегишли хулосалари олиниб, атмосферага чиқариладиган чи-

қиндилар бўйича меъёрлар белгиланган, — дейди жамиятнинг инвестициявий лойиҳалар бўйича директори Назиржон Суяров. — Италия, Дания, Швейцария, Япония, Хитой ва бошқа бир қатор илғор мамлакатларда ишлаб чиқарилган ушбу дастгоҳлар атроф-муҳитга ташланаётган зарарли чиқиндилар ва моддаларни қатъий назорат қилиб, меъёрдан заррча оғишда авария — огоҳлантириш сигнаolini беради.

Журналистлар корхонанинг поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ҳамда карбамид ва аммиак ишлаб чиқариш мажмуаларининг марказий бошқарув пулти ва лабораторияларида бўлишиб, жараёнларнинг экологик меъёрдан оғиши қандай назорат қилинаётганили билан бевосита танишди. Уларни қизиқтирган қайдлар дафтри шу заҳотиёқ тақдим этилди.

Шундан сўнг, пресс-тур иштирокчилари фойдаланишдан чиқарилган 1 ва 2-аммиак ишлаб чиқариш цехларидаги демонтаж ишлари билан танишишди.

— Мана шу сиз кўриб турган баҳайбат мўридан салкам 55 йил мобайнида тўқ сариқ ранг тутун чиқар, маҳаллий аҳоли орасида у “тулки думи” деб аталарди, — дейди Н. Суяров. — Ушбу цехлар фаолияти тўхтатилганига икки йил бўлди. Шундан буён “тулки думи” ҳам йўқ, Лекин афсуски, яқинда ижтимоий тармоқлардан бирда архив сурати жойлаштирилиб, “Ковиддан эмас, “Навоийазот” заҳридан ўйиб кетамиз, шеклили” мазмунда пост қўйилди. Бу каби иддаолар нафақат маҳаллий, балки халқаро жамоатчиликда ҳам корхонамиз фаолиятига нисбатан ноҳуш қайфият уйғотиши табиий, албатта. Мазкур пресс-турдан кўзланган мақсадлардан бири ҳам очилик ва жамоатчиликка ҳолис ахборот тақдим этишдан иборатдир.

#### Балиқлар нега нобуд бўлганди ёки масалага ким ойдинлик киритади?

Корхона фаолияти билан танишув жараёнида яқинда ижтимоий тармоқларда тарқалган Зарафшон дарёсига сувининг заҳарланиши туфайли катта миқдордаги балиқларнинг нобуд бўлганили тўғрисидаги хабарлар, ушбу фожида “Навоийазот” айбдорлиги изидоа қилинаётганлиги билан ҳам қизиқди. Бунга жавобан корхона раҳбарининг ОАВ вакиллари бунда



техник ва чиқинди сувларни тозалаш, тўплаш ҳамда кимёвий ишлов бериш орқали мўтадиллаштириш жараёни билан таништириди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтариб, Зарафшон дарёсига чиқинди сувлар ташлаётган 267-қудуққа ҳам олиб боришди. Салкам икки соат давом этган ўзаро савол-жавоб ва қизгин мунозара рости, масалага деярли ойдинлик киритмади. Қизиги, бахс-мунозараларда “Навоийазот” мутахассислари биз айбисизлигимизни эмас, сиз бизнинг айбдорлигимизни исботланг, позициясида туриб фикр билдирди.

Хулоса ўрнида айтганда, пресс-тур ташкил этилган кун вилоят прокуратурасининг Зарафшон дарёсидан нобуд бўлган балиқлар бўйича расмий муносабати билдирлиб, мазкур ҳолат юзасидан жорий йилнинг 28 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 196-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётгани эълон қилинди.

Расмий муносабатда прокуратура томонидан тегишли соҳа мутахассислари жалб қилинган ҳолда ўтказилган текширувда Зарафшон дарёсига азот аммоний, нитрит ва бошқа кимёвий моддалар меъёридан ортқча миқдорда оқизилганлиги оқибатида кўплаб балиқлар нобуд бўлганлиги аниқланганлиги маълум қилинди. Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардан фарқли ўлароқ мазкур ҳолатга “Навоийазот” АЖнинг айбдорлиги ҳусусида ҳатто ишора ҳам йўқ. Демак, жиноят иши очилибими, охириги нукта суд идораларида қўйилиши аниқ.

Ушбу мавзуга эса ҳали яна қайтмасиз.

Темур ЭШБОЕВ  
(«Халқ сўзи»).



## ОЗОДЛИГИМИЗ ВА ҒУРУР-ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

Ота-боболаримиз қилган бу юзсизликдан кечирим сўраш мақсадида давлат байроғига ҳам қора ранг берганмиз. Миллатчилик қилганимиз учун юзимиз қора бўлган”, деб жавоб беради. Қарангки, немисларнинг фо-жасидан ҳамма ҳам тўғри хулоса чиқармаган экан. Бугун инсониятни таҳликага солаётган турли террорчилик ҳаракатларининг байроқлари ҳам қоп-қора рангда...

Жонажон Ватанимиз байроғида тонг ранглари ўз жамолини кўрсатган. Ҳар тонг фалак кўм-кўк, осмонимиз оппоқ, заминимиз ям-яшил эканига шохид бўламиз.

Келинг, кишини сокинликка, бунёдкорликка чорловчи ранглар жамланган байроғимиздаги ҳар бир чизикчи алоҳида таърифласак.

Қадимдан мовий ранг мусаффо осмонни, яъни тинчлик-

ни, тинчликни ифодалаб келган. Эҳтимол, шунинг учундир, Амир Темур давлати байроғи ҳам мовий рангга бўлган. Оқ ранг — халқимизда поклик рамзи саналади. Оиланинг йўли ёруғ бўлсин, деб никоҳ тўйида оқлик (оппоқ ун) юбо-рамиз. Сафарга чиққанларга оқ йўл тилаймиш.

Яшил ранг эса тириклик, ёшлик рамзидир. Шунингдек, абадий тирик деб тасаввур қилинадиган ҳазрати Хизрни ҳам шеърят мулкнинг султони Алишер Навоий бобомиз ўз асарларида яшил тўн кийиб юрадиган зот сифатида тасвирлайди.

Қизил чизиклар инсон вужудидаги ҳаётий куч-қувват рамзидир, шу билан бирга, у осмон билан ерни улаб тура-диган ришталар тимсоли ҳам. Томиримизда маданиятининг яралиш тарихи 5 минг йил, миллий давлатчилик тарихи

3 минг йилга бориб тақала-диган ўзбек миллати, Ўзбекистон халқининг қони жўш уриб оқайтганлиги ва мудом оқажаклиги акс этган бу икка-ла чизикда.

Бу йил 25 октябрь куни “Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий қафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида”ги Қонун имзоланди. Ушбу ҳужжатга кўра, давлат раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентининг белгиси ва стандартига (байроғига) эга бўлди.

Штандарт — махсус турдаги байроқдир. БМТга аъзо кўпгина хорижий давлатларда, жумладан, энди бизда ҳам у Президентлик белгиси (рамзи) ҳисобланади. Штандарт (байроқ) Президент иштирок этадиган барча муҳим тадбирларда, инаугурация

(қасамёд қабул қилиш) пайтида ҳамда давлат раҳбари қароргоҳларининг бинолари ва хизмат хоналарида кўта-рилади.

Мамлакатимизда кейинги вақтда камда 20 метр узун-ликдаги флагшток ёрдамда 12 метрга 6 метр шаклидаги улкан байроқларни ўрнатиш аъёна тусини олди. Бугунги кунда бундай флагштоқлар мамлакатимизнинг диққатга сазовор ҳудудларида хилпираб, ҳар бир юртдошимизга ўзгача кайфият бағишлаб, қалбида ватанпарварлик туйғуларини кунайтирмокда, юксак қўққиларни забт этишга ундамокда.

Комилжон САФАРОВ,  
Республика Маънавият ва маърифат маркази  
Тошкент вилояти бўлими бош мутахассиси.

### Интилиш

#### Сўхда заъфарон етиштириш йўлга қўйилди

Фаргона вилоятининг Сўх туманида сўнгги йилларда яратилаётган қулай-лик ва имкониятлар самараси ўлароқ тадбиркорлик жадал ривожланяпти. Маҳаллий тадбиркорлар эътибор ва рағбатдан унумли фойдаланиб, янги лойиҳаларни амалга оширишга муваффақ бўлишмокда.

— Иланиш ва ўрганишлар самараси сифатида доривор ўсимлик — заъфарон етиштирилиш йўлга қўйди, — дейди “Заъфарон” ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Рашид Одибобоев.

Айни пайтда унинг хонадониди заъфарон ўсимлиги етиштириш учун ис-сиқхона бунёд этилган. Оила аъзолари ушбу доривор ўсимлигини парвариш-лашди.

Сўх тумани ҳокимлиги томонидан заъфарон етиштириш плантациялари ташкил этиш бўйича бизнес-режа ишлаб чиқилмокда.

Ботир МАДИЁРОВ  
(«Халқ сўзи»).

## МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИНИ ЎТҚАЗИШ УЧУН МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ

Бугунги кунда тиббиёт соҳаси жадал ривожланиб, илғор амалиётлар жорий этилаётгани хасталикларни эрта аниқлаш ва уни самарали даволаш имконини бераётди.

### Ижтимоий ҳимоя

Бирок аксарият мураккаб жарроҳлик амалиёти катта маблағни талаб этиши сир эмас. Юртимизда аҳолини кучли иж-тимоий ҳимоялаш, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишлари бу борада муҳим аҳамият касб этмокда.

Жорий йилда Сурхондарё вилояти-нинг шаҳар ва туманларида ўтказил-ган сайёр қабуллар чоғида мураккаб жарроҳлик амалиёти учун молиявий кўмак сўраган фуқаролар муурожаатла-рининг аксарияти ижобий ҳал этилиб, қаноатлантирилди.

— Фарзандим туғма юрак парогии би-лан оғриб келаётганди, — дейди Жарқўрган туманидаги Нефтичлар кўча-сида яшовчи Нозима Зулфқорова. — Ши-фокорлар ўғлимга мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказиш лозимлигини айтиш-ганидан буён орадан 12 йил вақт ўтди.

Мана, шу ўтган йиллар мобайнида ўғли-минг соғлиги, келажагидан хавотирланиб, тунарлини бедорликда ўтказдим. Оилавий аҳолиимиз ноқорлиги, операция учун за-рур маблағимиз йўқлиги туфайли сайёр қабулда вилоятимиз ҳокимидан амалий ёрдам сўрадим. Муурожаатим инобатга олиниб, жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун 28 миллион сўм ажратилди. Бундай инсонпарварлик ёрдами юртимизда фуқаролар муурожаат билан ишлаш ти-зимининг самараси, қолаверса, инсон қад-рини улуғлашнинг амалий натижасидир.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, ҳозир-га қадар мамлакатимиз ҳамда вилоятда-ги даволаш муассасаларида 28 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаронинг юрак парогии хасталигини даволаш учун 536 миллион сўм маблағ ажратилди.

Илҳом РАҲМАТОВ  
(«Халқ сўзи»).

## УЙИНГИЗГА ЖАРИМА ҚОҒОЗИ КЕЛСА, АЖАБЛАНМАНГ

НЕГАКИ, ЧИҚИНДИ ТАШЛАГАН ФУҚАРОЛАР ВИДЕОКАМЕРАЛАР ОРҚАЛИ АНИҚЛАНАДИ ВА...

### Экология

Кўча-қўйда юрар эканмиз, кўп ҳолларда чиқиндиларга дуч келишимиз рост. Афсуски, бугунги кунда чиқинди муаммоси нафақат Ўзбекистонини, балки бутун дунёни ташвишга солмокда. Ур-банизация жараёни тезлашши, шаҳарларнинг кенгаётгани, аҳоли сонининг ортиси ва улар-нинг эҳтиёжини қондириш учун миллионлаб турдаги товарлар ишлаб чиқарилаётган бир пайт-да чиқиндиларни қайта ишлаш ва уларнинг утилизацияси энг кат-та экологик муаммолардан бири ҳисобланади.

— Мамлакатимизда йил да-вомидида ҳосил буладиган қаттиқ маиший чиқиндилар миқдори ўртача 7,1 миллион тоннани таш-кил этади, — дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бошқару-ви бўлими ўринбосари Жамшид Ишанов. — Ўзбекистон Респу-бликаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 91-мод-дасида белгиланмаган жойлар-га қаттиқ маиший ёки қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунинг-дек, суяқ маиший чиқиндиларни тўкиш жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 ок-тябрдаги “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амал-га ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада оши-риш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги қарориди қаттиқ маиший чиқиндиларини тўплаш учун чи-қинди қутиларини жойлашти-риш ва улардан фойдаланиш

тартиби белгиланган бўлиб, чиқинди қутилари ҳудудларни тозалаш учун масъул бўлган жисмоний ва юридик шахслар томонидан мажбурий тартиб-да ўрнатилади.

Давлат экология қўмитаси-нинг Экология ва атроф-муҳит-ни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича ҳудудий инспек-цияси ходимлари томонидан бу-гунги кунда тегишли масъулла-билан биргаликда республика бўйича жами 12,5 мингдан ортқ-қинди қутиларини ўрнатиш иш-лари амалга оширилмокда.

Шу ўринда айтиш жоиз, ма-иший чиқиндилар қўйилган поли-гонлардан, асосан, CO2 (карбон-нат ангидрид) газлари чиқади ва бу озон қатлами емирилишига таъсир этмайди. Бирок унинг гло-бал иқлим ўзгаришларида сабаб бўлиши инобатга олиниб, поли-гонларнинг атроф-муҳит ва ин-сон саломатлигига салбий таъ-сирини камайтириш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 17 апрелдаги қарори билан 2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар би-лан боғлиқ ишларни амалга оши-риш стратегияси тасдиқланган.

Унга кўра, Ўзбекистон ҳудудида мавжуд маиший чиқиндиларни қўйиш полигонлари фаолиятини тутатиш ва замон талабига жа-воб бериш 59 та янги полигон ташкил этиш белгиланган.

Ҳудудларда мавжуд полигон-лар фаолияти тутатилиши нати-жасида ўртача 2 миллион тонна карбонат ангидрид газининг ат-

мосфера ҳавосига ташланиши-нинг олди олинад.

Бугунги кунда стратегия до-ирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида умумий қиймати 180 миллион АҚШ доллари бўлган “Маиший чиқинди полигонларини рекуль-тивация қилиш ва янги поли-гонлар қуриш” лойиҳаси амал-га оширилмокда.

Маърифи келганда айтиш ло-зим, дунёнинг турли мамлакат-ларида “Ифлослантирувчи тулай-ди” принципида қўра, кўчага чи-қинди ташлаган одам катта ми-қдорда жарима тўлашга мажбур. Масалан, Австрияда кимдири ичимлик идишини белгиланган жойга ташламаса 90 евро жар-имага тортилади. Хитойликлар эса кўчада ахлат қолдиргани учун 7 доллардан 145 долларгача жа-рима тўлашга тўғри келади. Австралияда эса бу миқдор ан-чагина юқори — 7 минг 500 дол-лар бўлса, Ирландияда 5 минг доллар жарима ёки 12 ой қамқ-жазоси тайинланади.

Хўш, бизда-чи? Таассуфки, бизда ҳозирча бундай кескин чо-ралар қўйилаётгани йўқ, Лекин ҳолат шундайлигига қилиши ҳам мумкин эмас. Шу боис Давлат экология қўмитаси томонидан Ахборот технологиялари ва ком-муникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ҳудудлардаги аҳолига атроф-му-ҳит, шу жумладан, маиший ва

қурилиш чиқиндилари билан боғ-лиқ ишлар ҳолати устидан жа-моатчилик назоратини амалга ошириш имконини берувчи, бу борадаги ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги фото ва видео ма-териалларни жойлаштириш им-кониятига эга бўлган дастурий ташминот ишлаб чиқилгачи. Ичи ишлар вазирлиги билан ҳамкор-ликда фото ва видео материал-ларда тасвирланган ҳуқуқбузар-ларнинг шахсий аниқлаштириш тизимини жорий қилиш юзаси-дан чора-тадбирлар олиб борил-мокда.

Давлат экология қўмитаси ти-зимидида фаолият юритувчи Эко-логия ва атроф-муҳитни муҳо-фаза қилиш соҳасидаги назор-ат бўйича ҳудудий инспекция ходимлари фаолиятини янада тақомиллаштириш мақсадида чет эл грант маблағлари ҳисобига ҳуқуқбузарликларни аниқлаш мақсадида 300 донна планшет хар-ид қилинмокда.

Бу амалиёт Тошкент вилоя-тининг Бўстонлик туманидаги “Чорвоқ” эркин туристик зона-сида синовдан ўтказилмокда. Келгусида у юртимизнинг барча ҳудудига жорий қилиниши мум-кин. Шундай экан, яқин вақтлар ичида уйингизга жарима қоғози келиб турса, ажабланманг. Ях-шиси, бутундан исталган жойга чиқинди улоқитишдан тийилиш-га ўрганингизиз маъқул.

Шаҳноза ХОЛИҚОВА  
(«Халқ сўзи»).

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси институтнинг Травматология, ортопедия, болалар травматологияси, ортопедияси, нейрохирургия ва болалар нейрохирургияси кафедраси мудири, профессор Ғайрат Қариева онаси  
Замирахон КАРИЕВанинг  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»  
ЭЪЛОНЛАР  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.  
9.00 дан 18.00 гача  
71-232-10-63,  
71-232-11-15.  
E-mail: reklamaxs@mail.ru  
reklama@xs.uz



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ НУРЛИ УФҚЛАРИ



Хусусан, Президентнинг тантанали маросимдаги қўйидаги сўзлари мамлакатда бўлиб ўтган сайловнинг мазмун-моҳияти ва сиёсий аҳамиятини очиб берди: “Халқимиз талабларини инобатга олган ҳолда, биз Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқдик ва сайлов жараёнида уни ўзига хос умумхалқ мувоқамасидан ўтказдик. Бу муҳим концептуал ҳужжатда ислохотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида, “Харакатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилди”. Президент Шавкат Мирзиёев нутқида мана шу янги стратегияда ўз аксини топанг етти йўналишнинг мазмун-моҳияти батафсил очиб берилди.

Агар мамлакат тараққиёти учун ўта муҳим бўлган бу йўналишлар бўйича Президент сайловига бўлган даврдаги савий-харакатлар ва уларнинг натижаларини таҳлил қилсак, халқимизнинг нима учун Шавкат Мирзиёев номзодини танлаганини теранроқ англай оламиз.

**БИРИНЧИ ЙЎНАЛИШ** эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этишни кўзда tutadi. Шунингдек, мазкур йўналиш доирасида истиқболда давлат функцияларининг катта қисми марказдан худудларга ўтказилиши, ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозимини жорий этилиши, маҳалланинг алоҳида жамғармаси шакллантирилиши, марказий давлат идоралари трансформацияси амалга оширилиб, ихчам ва самарали бошқарув тизими яратилиши каби давлат ва жамият бошқарувини номарказлаштириш вазифалари илгари сурилган.

Агар 2017 — 2021 йилларда мамлакатни Харакатлар стратегияси асосида ривожлантириш якунларига назар солсак, қўйидаги ўзгаришларни эътироф этишимиз лозим бўлади: Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакатда сўз эркинлиги конституциявий атаманд ҳаётий воқеалики (“де-юре”дан “де-факто”га) айlandи. ОАВ ва журналистлар жамият ва давлат бошқарувида оид ҳақиқий ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳақида ҳолис материалларни бера бошладилар, улар коррупция ва раҳбар ҳодимларнинг мансабини суистеъмоқ қилишга оид янги мавзуларни кўтариб чиқа бошладилар. Ижтимоий тармоқлар баҳс-мунозара, қизгин тортишувлар майдонига айlandи, эркин фикрлайдиган блогерлар ижтимоий гуруҳи шаклланди. Мамлакатда сўз эркинлиги ҳаётий воқеалики айlandигандан кейин у халқро жамоатчилик томонидан ижобий эътироф этилди. 2019 йилда Ўзбекистон жаҳон матбуоти эркинлиги индексида “қора зона”дан чиқарилди.

2017 йилдан бошлаб Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва савий-харакати билан давлат бошқаруви органларининг авторитети ва кўрсаткич востасида амалга оширилиб келинган буруқбозлик усулига бутунлай барҳам берилди, маҳаллий бошқарув тизими аҳоли ва вакиллик органлари олдидagi масъулиятли ижтимоий институтга айlandи, бу соҳада демократик тамойилларга амал қилиш даври бошланди. Мансабдорларнинг фаолияти худуддаги аҳоли фикри асосида баҳоланиши, уларнинг фуқаролар олдидagi ҳисобдорлиги меъёрий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилди.

Ижроия ҳокимият тизимининг қонун чиқаруви ҳокимият олдидagi масъулиги ва парламент назоратини амалга ошириш механизми шакллантирилди, парламент ҳақиқий қонун чиқаруви ҳокимияти сифатидаги фаолиятини бошладилар. Депутатларнинг ўз сайлов округларидаги сайловчилар билан ҳар ойда муайян мuddатда мулоқот қилиб туриши, парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига адофрчла жавоб қайтаришини таъминлаш каби ривожланган давлатлар парламентига хос сиёсий қадриятлар шаклланди. Ривожланган давлатлар тахриббаси асосида Қонунчилик палатасида “Ҳукумат соти” институти шакллантирилди, ҳар ойда ҳукумат аъзоларининг ҳисоботларини эшитиш қоидаси ўрнатилди, Олий Махлис Сенатида ҳокимларнинг худудларни ривожлантиришга оид ҳисоботларини эшитиш амалиёти пайдо бўлди. Парламент билан ижроия ҳокимиятининг ўзаро мувозанати шаклланди. Шу билан бирга, 2017 — 2021 йилларда “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган

демократик тамойил нафақат эълон қилинди, балки давлат ва маҳаллий бошқарув органлари тизимига тўла жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси (2017 йил 8 сентябрь) давлат марказий ва маҳаллий бошқарувидаги муаммоларни бартараф этиш, инновацион ривожланишнинг замонавий умумжаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясидан келиб чиқиб, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлишини принципини амалий рўёбга чиқариш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ва фаолият самарадорлигини ошириш вазифалари қўйилган эди.

Маҳаллий давлат бошқарувини номарказлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларга фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан 2020 йил 1 январдан бошлаб уларнинг 11 та ваколати тегишли давлат бошқаруви органлари худудий бўлиmlарига ўтказилди.

Шу билан бир вақтда, 2020 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фуқаролардан талаб қилинишига, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилишига йўл қўйилмайдиган 28 та ҳужжат (турли ортика маъмулмотлардан ва бошқа қозғозбозликка айланган ҳужжатлар) рўйхати тасдиқланди.

Албатта, бу давлат бошқаруви ва сиёсий тизимдаги ўзгаришлар ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратди, маҳаллий ҳокимият органларининг фуқаролар олдидagi масъулиги принципи ўрнатилиши ва юқорида кўрсатилган ислохотларнинг амалга оширилиши бошқарув органларининг жамият институтларига босимини камайтириб, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш учун замин тайёрлади.

2017 йилдан бошлаб мамлакатда ҳуқуқий ижтимоий давлатга хос бўлган хусусиятлар — бошқарув органларининг фуқаролар билан алоқалари тизимли тикланди. Фуқароларнинг муносабатларини энг юқори давлат органларига етказиш чоралари кўрилди. Бу ҳолат фуқароларнинг сиёсий тизимга талаблар қўя олишига, бу талаблар асосида сиёсий қарорлар қабул қилинишига имкон берувчи механизмлар яратилишига сабаб бўлди. Президентнинг виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилиб, давлат билан фуқаролар ўртасида ҳали тарихда рўй бермаган ўзаро мулоқотлар коммуникацияси шакллантирилган давлат ҳокимияти органларига жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва руҳий вазият тўғрисида ахборотлар олиш, ўз сиёсати ва фаолиятини аниқланган муаммолар бўйича рационал тақсимлаган ҳолда олий бориш имкониятини берди. Қисқача айтганда, ижроия ҳокимияти халқ ва миллат манфаатлари асосида ишлайдиган демократик тизимга айlandи.

Давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оширишга оид фаолияти фуқароларнинг муножаатлари ва уларда кўтарилган муаммоларни бартараф этиш асосида бутунлай янгидан қўрилди. Жамиятдаги эҳтиёждан олинган аниқлаш ва уларга нисбатан қўли ижтимоий сиёсат асосидаги ҳомилилик қилиш тизими шаклланди. Ижтимоий ҳўмоиянинг “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” каби янги миллий шакллари яратилиб, улар самарали натижа бера бошладилар.

Албатта, бу каби ижтимоий сиёсат фақат давлат ҳўмилиги билан чекланмади. Бу борада “Балиқ тутиб берманг, балиқ тутишни ўргатиб, қармоқ беринг!” нақлига амал қилина бошладилар: ижтимоий ҳўмоияга мўтхот оилалар фаровонлигини таъминлаш мақсадида “Хар бир оила — тадбиркор” дастури асосида мўтхот оилаларга қичик бизнесни йўлга қўйиш ва юритиш учун катта миқдордаги кредит маблағлари ажратилиш жараёни бошланди. Туман ва шаҳарларда тадбиркорликни ташкил этиш ва уни юритишга оид қисқа таълим бериш курслари ва семинарлари уюштирилиб, улар-

да минглаб бўлғуси тадбиркорлар ўз кўникмаларини шакллантирди.

Бу даврга келиб шу пайгача тан олинмаган камбағал фуқаролар ва уларнинг тахминий сони давлат раҳбари томонидан очикдан-очик эълон қилинди. Ана шу очиклик ва шаффофлик сиёсати давлат ижтимоий сиёсатини камбағал оилаларга йўналтириш имконини берди. Президент Шавкат Мирзиёев доимо таъкидлаб келган ва мансабдорлардан талаб этган “халқни рози қилиш” принципи асосида ишлашга ўтилиши ижтимоий сиёсат самарасини оширди, давлат ҳокимияти сиёсати-га инсонийлик рўйини бахш этди.

Президент ташаббуси билан Ўзбекистон тарихида илк бор 2018 йилдан бошлаб ижроия ҳокимиятининг давлат хизматлари кўрсатиш тизими алоҳида агентлик мақомида ташкил этилди. Энди фуқаролар турли бюрократик тўсиқлардан холи, мансабдор кибру хавоси ва феъл-увор тазйиқига дуч келмайдиган давлат хизматларида фойдалана бошладилар. Расмий маълумотларга биноан 2021 йил олий ҳўлатига Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали 253 турда хизматлар кўрсатилмоқда. Шу йилда уларни яна 60 тага қўлайитириш, 50 дан ортиқ хизматларни соддалаштириш мўлжалланди. Бу тизим турли сансалорликлар, бюрократия ва коррупцияни камайтириб, вақт ва маблағларни тежаш имконини берди.

Хулоса ўрнида айтганда, “Темур тузуклари”да айтилган адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини рози қилишдан, гуноҳқорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳақоният юзасидан ҳўкм чиқаришдан, ҳайр-ҳўсон ишлари билан одамлар кўнглидан қўли олишдан иборат меҳр-саховатга йўғрилган сиёсат қарор топди.

**ИККИНЧИ ЙЎНАЛИШ** — адолат ва қўнун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон қадр-қўнматини таъминлаш соҳасида ҳам бир неча ўн йилларга тенг келадиган ривожланишга эришилди. Суд-ҳўқуқ тизимини шакллантиришнинг демократик мезонлари ишга солинди, бу тизимда шаффофлик ва очиклик бўлишига эришилди, шу мақсадда судлов жараёниларини электрон ва ахборот-коммуникация восталари асосида ташкил қилиш тахриббаси татбиқ этилди. Суд ҳокимияти тизимининг фуқаролар ва вакиллик органлари олдидagi ҳисобдорлиги принципи ўрнатилди. Тадбиркор ва мулкдорлар ҳўқуқларининг поймол қилинишига чек қўйилди. Коррупцияга барҳам беришнинг қўлпаб миллий ва ҳорижий мамлакатларда синовдан ўтган восталари ишга солинди.

**УЧИНЧИ ЙЎНАЛИШ** — миллий иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида ҳам тўб бурилишлар даври бошланди. Давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг иқтисодиётга, тадбиркор, фермерлар фаолиятига аралашishi чеклаб қўйилди. Фермерларга нисбатан бир неча йиллардан бўён мавжуд бўлган пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги махсулотларига давлат бююртмаси бериш каби ўтмишдан қолган иқтисодий аралашув усулига барҳам берилди.

Қисқа давр — 2017 — 2021 йилларда фуқаролик жамиятининг ижтимоий ва иқтисодий таъйич бўлган мулкдорлар синфи шакллантирилди. Чорак аср бозор иқтисодиети муносабатлари мўҳитига эга бўлмаган жамиятда фаолият юритган тадбиркорлар елкасига ҳам офтоб нурлари тега бошладилар. 2018 — 2021 йилларда оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилишга йўналтирилган дастурлар доирасида сўнгги уч йил давомида 600 мингдан зиёд аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 15 триллион сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

2021 йилга келиб аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўлпаб-қувватлаш, биринчи навбатда, маҳаллаларда ишсиз ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилиш, уларнинг ўз бизнесини ташкил қилишга қўмаклашиш борасидаги тадбирларни тизимли равишда давом этириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўйимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (2021 йил 27 март) эълон қилинди. Унга биноан оиладаги тадбиркорлиқни ривожлантиришга қўмаклашиш учун банклардан кредитлар олиш соддалаштирилди, олинмаган кредитлар ҳажми аниқланди, бу соҳадаги бюрократик тўсиқларга барҳам берилди.

Кейинги беш йил ичида Президент томонидан бошланган иқтисодий ислохотлар натижаси ўлароқ мамлакатда тадбиркорлар сони 1,5 миллион кишига етди. Уларга қарашли корхоналарда эса 5 миллионга яқин кишилар меҳнат қилмоқда.

Жаҳон тахриббасидан маълумки, мамлакатда тадбиркорлар аҳолининг 15 — 20 фоизини ташкил этсагина у ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши мўмкин. Шунинг учун ҳам Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил 20 августда бўлиб ўтган тадбиркорлар билан оқил мулоқот чоғидаги нутқида тадбиркорлиқни ривожланишига халақит бераётган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган 7 та муҳим йўналишни кўрсатиб ўтди. Хусусан, бизнесни молиялаштириш, солиқ тизимини тақомиллаштириш ва бизнесга солиқ юқини камайтириш, ер ажратиш, ин-

фратузилама, экспортёр корхоналарни қўлпаб-қувватлаш, транспорт-логистика соҳасидаги тартиб-таомилларни соддалаштиришга оид ислохий чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари қўйилди.

Шу билан бир вақтда, давлатимиз раҳбари ҳар бир йўналиш бўйича муҳим ўзгаришлар режаси ва уларнинг молиявий ресурслари манбаларини аниқ рақамлар билан кўрсатиб берди, тадбиркорлик фаолиятига давлат ҳокимияти органлари томонидан аралашувларни қисқартириш, субсидиялар олиш жараёнини осонлаштириш бора-сида амалга ошириладиган ишлар бўйича ҳам йўл-йўриқлар берди. Албатта, бу бозор иқтисодиётига тўлиқ равишда ўтишининг дастур-аъмоли эди.

**ТўРТИНЧИ ЙЎНАЛИШ** — сифатли таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айlandи. Миллий таълимнинг Ренессанс пойдевори учун тамал тоши сифатидаги ўрни, унинг иқтисодий ва интеллектуал салоҳият асоси эканлигидан келиб чиқиб, кейинги беш йил ичида таълим тизимига қатор ўзгаришлар амалга оширилди: юқори синфларда таълим олиш қайтадан тикланди, мактабларда ахборот-коммуникация восталарида фойдаланишга алоҳида эътибор берилди, йилдан-йилга ўқитувчилар маошлари оширилмоқда. Мактаблар бинолари демографик ўзгаришларга монанд равишда кенгайиб бормоқда. Янги-дан-янги тарбия ва маънавий қадриятларга оид фанлар жорий этилмоқда, қоржикчи ва миллий дарсликларда ўзаро уйғунлик шаклланди. Салоҳиятли ўқувчилар ижодий қобилияти ва интеллектини юксалтиришга мослашган янги турдаги мактаблар барпо қилинди. Мамлакатдаги қизиллар ва олимлар мактаб ҳаётига жўлаб этила бошландилар.

Ўтган беш йил ичида болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш икки баробар ошиб, 60 фоизни ташкил этди ва болалар болчалари сони уч баробар қўлайди. Ҳозирги кўнда уларнинг сони 14 мингга етди. Шу йил охиригача мактабга таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охиригача 75 фоизга етказиш, 2 мингта янги хўсусий болчалар очиб режалаштирилди. Ўқувчиларнинг тахлийли ва креатив фикрлаш қобилиятини ўстиришга мўлжалланган янги дарсликлар тайёрлаш жараёни бошланди. Худудларда ушбу қўлпаб фаолиятини рағбатлантириш учун бюджетдан субсидиялар ажратилиш йўлга қўйилди. 10 та Президент мактаби, шунингдек, кимё-биология, математика ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган 197 та мактаб очили мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатда олий таълим тизими ҳам мисли қўрилмаган даражада ривожлантирилди. ОТМ ва талабалар сони бир неча маротабага қўлайди. ОТМга қабул қилишга авж олган ва чўқур томир отган коррупциянинг пайини қирқилгача эришилди. Талабаларни ижтимоий ҳўмоия қилиш тизими яратилди. Шу мақсадда давлат грантлари сони камиди 25 фоизга оширилмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг маошлари беш йил ичида 3-4 маротабагача оширилди.

Миллий таълим тизимини ислох этишда Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Билим бўлмаган ҳўлда қолиш, нодонлик ва, албатта, тўғри йўлдан оқиб бўлади”, деган пурҳўмат фикри асос қилиб олинди. Олий таълим муассасалари сони 77 тадан 141 тага қўлайди, жумладан, 26 ривожланган ҳорижий давлатлардаги олийгоҳларнинг фи-

тиббийёт ва бошқа соҳаларни ривожлантириш давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишига айlandи.

Тиббийёт соҳасида рақобатни қўнайитириш мақсадида хўсусий тиббийётни ривожлантириш натижаси ўлароқ бу каби муассасалар сони 6 мингга етди, ўтган йилнинг ўзида мамлакатда 403 та янги хўсусий тиббийёт муассасаси очилди. Давлат ижтимоий сиёсати инсонга, унинг соғлиги ва фаровонлигига қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йилдан бошлаб тиббийёт тизимининг бешта йўналишида — бирламчи тиббийёт бўғинини қасаллиқни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, ихтисослаштирилган марказлар томонидан жойларда тор доирадаги тиббий хизматлар ҳажминини ошириш ва сифатини тўдан яхшилаш, рақамлаштириш орқали соҳада қозғозбозлик, бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш, тиббийётнинг барча йўналишида рақобатнинг қўнайиши ва хўсусий сектор жадал қилиб боришини ҳар томонлама қўлпаб-қувватлаш, тиббийёт ҳодимларининг билиминини ошириш, таълим ва илм-фани ривожлантириш бўйича ислохотларни амалга ошириш вазифасини қўйди.

**БЕШИНЧИ ЙЎНАЛИШ** — маънавий ва маърифий соҳада салмоқли ўзгаришлар амалга оширилди. Энг асосийси, маънавий қадрият — инсон эркинлиги, унинг мустақил фикрини билдириш ҳўқуқи амалда намоён бўлди. “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириш режалаштирилди. Тарихий миллий қадриятларимиз тиклана бошладилар, жаҳонга таъилган аждодларимиз — Ренессанс ижодкорлари қарашларини халқ ўртасида тарғиб этиш жараёни бошланди, уларнинг илмий-маърифий мероси халқ ичига кириб келди. Айниқса, бу ғоялар таълим тизимини орқали ёшлар дунёқарашига сингдирилди бошланди. Жаҳондаги қўлпаб давлатларда келиб қотган аждодларимиз мероси ва осороти-қалар юртимизга қайтарила бошланди.

Ҳадис илми, ислом фалсафаси, фикҳ илми ва шариаат оид юксак даражадаги асарлари билан ислом олами шарафига ва эътирофига сазовор бўлган аждодларимиз меросининг халқимиз томонидан ўрганилишига шарт-шароитлар яратиш мақсадида Самарқанд Имом Бўхорий, Сурхондарёда Имом Термизий халқаро илмий-тадқикот марказлари, шунингдек, Тошкентда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Муторидий халқаро илмий-тадқикот маркази бунёд этилди. Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ўз фаолиятини тўлиқ равишда бошлаш арафасида турибди.

**ОЛТИНЧИ ЙЎНАЛИШ** — глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш, бу борадаги барча савий-харакатни уйғунлаштириш соҳасида ҳам Ўзбекистон давлати 2017 — 2021 йилларда жаҳондаги барча ҳорижий давлат ва халқро ташкилотларга таянилди. Президент Шавкат Мирзиёев савий-харакати ва ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг қабул қилиниши Ўзбекистон халқаро ислом майдонда долзарб ташаббусларни кўтариб қийаётган фаол давлатга айланганлигини англатди.

Ҳозирги даврда “Янги Ўзбекистон” тушунчаси дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилди, унга нисбатан халқро жамоатчиликнинг ижобий қарашлари шаклланди. Ўтган



“Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусида халқро конференциянинг якунлари минтақа ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Конференция натижаси ўлароқ пайдо бўлган “Самарқанд руҳи” минтақадаги йўзаро қўшнчиликнинг маънавий омили сифатида таъсирчан қўнча бўлди. Минтақада трансгегаравий, сув ресурсларида оқилона фойдаланиш, чегараларни делимитация ва демаркация қилиш, чегара пунктларини кесиб ўтиш каби 2017 йилгача катта ижтимоий-сиёсий муаммоларга айланган масалалар ўз ечимини топди. Ўтган беш йил ичида Ўзбекистон худудлида Марказий Осиё давлатлари капиталли ишторқорлар корхоналар сони 4 марта — 312 тадан 1 минг 357 тага ўзиди.

**ЕТТИНЧИ ЙЎНАЛИШ** — мамлакатдаги тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлаш, халқро ҳамкорлиқни ривожлантиришдан иборат бўлиб, у Қуролли Қўла-римизнинг қудратини ошириш масалаларини ўз ичига олади. Президентимиз савий-харакатлари билан 2017 — 2021 йилларда мамлакатнинг мудофаа қобилияти мустаҳкамланди. Мудофаа доктринаси қабул қилинди, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари қўқур қайта қўриб чиқилди, қўшнларни бошқармиш тизими тақомиллаштирилди, миллий армия-мисоти замонавий қўрол-ароғ ва техника восталари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилди.

Қисқа давр ичида Ўзбекистон Қуролли Қўла-лари жаҳондаги армиялар бўйича “Global Firepower Index — 2021” рейтингинда 140 давлат ичида 51-ўринни, Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллади. Ўзбекистонлик ҳарбийлар Британияда ўтказилган “Кембрия патрули” мўсбасаси ҳамда “АрМИ-2021” халқаро армия ўйинлари якуни бўйича умумжамоа ҳўсобида 2-ўринни ишғол этди.

Қўрибди турибдики, қисқа давр ичида мамлакат Қуролли Қўлалари ҳар томонлама ривожланди. Ҳарбийларни уй-ҳой билан таъминлаш, ижтимоий ҳўмоия қилиш борасида ҳам тўб ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, аскарларнинг ҳар қандай шарт-шароитларда ўз вазифаларини урдалий олишлари учун ҳарбий-техникавий, моддий ресурслар шакллантирилди. Шунингдек, аскарларнинг жанговарлик руҳиятини оширишга муҳим эътибор берилди. Уларни ватанпарварлик ва ўз юртига садоқат руҳида тарбиялашнинг миллий таълим тизими яратилди.

Умуман олганда, 2017 — 2021 йилларда мамлакатда давлат бошқаруви тизими ва жамиятнинг барча соҳаси бутунлай ислох этилди. Мамлакатнинг олдинги даврга ўхшамаган янги кўбфаси, иммижи пайдо бўлди. Бу ҳолат халқро ташкилотлар ва ҳорижий давлатлар жамоатчилиги ҳамда экспертлари томонидан эътироф қилинмоқда. Тўб ўзгаришларни ўзида намоён этган мамлакат энди “Янги Ўзбекистон” деб атала бошланди. Бу мамлакатда ашаш, ишлов, ижод қилиш инсонга гуруланиш ва фахрланиш тўйўларини ҳис этишга имкон яратди. Албатта, бу буюқ ўзгаришлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Уларнинг ҳаммаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг концептуал стратегияси, ташаббуслари, амалга оширган ислохотлари натижасидир.

Бир неча минг йиллик инсоният тарихига назар солсак, давлатлар пайдо бўлибдики, уларнинг ҳар бирида юзлаб ҳўқмдорлар мамлакатни бошқарган. Лекин тарихда ном қолдирган, башарият томонидан ардоқланмаган давлат бошқиклари унчалик кўп эмас. Улар нари бора бир неча юзтаини ташкил этади, ҳолос. Уларнинг бу мақомга эришиши ўз халқини фаровон этанглиги, миллатни уйғотганлиги, буюқ ўзгаришларни амалга оширганлиги, адолат принципларини ўзларига қўрол қилиб олганлиги тўғйлайди.

Албатта, улар қаторида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам халқимиз ва ҳорижий давлатлар томонидан юксак даражада эътироф этилмоқда. Ўзбекистондаги тўб ўзгаришлар унинг номи билан бонганмоқда. Бу бежиз эмас. Мамлакатнинг қисқа давр ичида ҳар томонлама ривожланиши шахсининг тарихдаги роли буюқ эканлигини исботлайди. Мащўр француз мўтафаккири Вольтер улўф инсонларни ўзига хос тарзда баҳолган эди: “Мен улўф одам деб фақат инсониятга буюқ хизматлар қилган одамни назарда тутаман”. Менимча, бу сифат Президентимиз Шавкат Мирзиёев шахсига тўла мос келади. Чўнки давлатимиз раҳбари ўзининг юксак даражадаги тафаккури, сиёсий тахриббаси ва савий-харакатлари халқимизни фаровонлиги ва келажаги йўлида сарфламоқда.

**МУҚИМОН ҚИРГИЗБОВЕ,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**